

**Sayidov Rustambek Abdurasulovich**

*O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi huzuridagi Qonunchilik muammolari va  
parlament tadqiqotlari instituti bosh ilmiy xodimi*

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING “KOOPERATSIYA  
TO‘G‘RISIDA”GI QONUNINI HUQUQIY MONITORINGDAN O‘TKAZISH  
ZARURATI VA AHAMIYATI**

---

**Sayidov Rustambek Abdurasulovich**

*Chief Researcher at the Institute for Legislation Problems and Parliamentary Studies  
under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan*

**THE NEED AND SIGNIFICANCE OF LEGAL MONITORING OF THE LAW  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN “ON COOPERATION”**

---

**Сайидов Рустамбек Абдурасулович**

*Главный научный сотрудник Института проблем законодательства и  
парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан*

**НЕОБХОДИМОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПРАВОВОГО МОНИТОРИНГА  
ЗАКОНА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН «О КООПЕРАЦИИ»**

---

**Ўзбекистон Республикасининг “Кооперация тўғрисида”ги Қонунини  
ҳуқуқий мониторингдан ўтказиш зарурати ва аҳамияти**

**Аннотация:** Ушбу тезисда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Кооперация тўғрисида”ги Қонунини ҳуқуқий мониторингдан ўтказиш зарурияти, хусусан, қонундаги айрим камчиликлар, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калим сўзлар:** кооперация, ҳуқуқ, мониторинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қонун.

**Annotation:** This thesis emphasizes the need for legal monitoring of the current Law of the Republic of Uzbekistan "On Cooperation", in particular, some shortcomings in the law, specific proposals and recommendations for their elimination.

**Key words:** cooperation, right, monitoring, legal act, law.

**Аннотация:** В данном тезисе подчеркивается необходимость правового мониторинга действующего Закона Республики Узбекистан «О кооперации», в частности, некоторых недостатков в законе, конкретных предложений и рекомендаций по их устранению.

**Ключевые слова:** кооперация, закон, мониторинг, нормативно-правовой акт, закон.

Маълумки, ҳуқуқий мониторинг орқали ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини такрорловчи ва коллизия нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш мумкин.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикасининг “Кооперация тўғрисида”ги Қонуни ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказишга муҳтож норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 ноябрдаги Ўзбекистон республикаси Президентининг ПҚ-4505 сонли қарори билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ”“Кооперация тўғрисида”ги Қонуни ҳуқуқий мониторинг объектига қаторига қиради;

Иккинчидан, мазкур Қонун 1991 йил 14 июнда қабул қилинган бўлиб, тузилишига кўра 16 та моддадангина иборат. Шунингдек, қонунда кооперация соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар тарқоқ ҳолда бўлиб, умумий тусдаги ва амалда ўз кучини йўқотган нормалар мавжуд.

Масалан, қонунда барча турдаги кооперативлар ва уларнинг хўжалик уюшмаларини тузишнинг, улар фаолиятининг, уларни қайта тузиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари ушбу Қонун, “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари билан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан ҳам тартибга солиниши белгиланган. Ваҳоланки, “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонун ўз кучини йўқотган, бу эса соҳа маънан эскирган нормалар билан тартибга солинганлигидан далолатдир.

Учинчидан, мазкур қонун нормалари ҳозирги кооператив муносабатларидан ортда қолмоқда. Хусусан, бугунги кунга келиб кооператив

алоқалар рақамлаштирилган бўлиб, электрон кооперация портали орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги хузуридаги Электрон кооперация портали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаби юқори маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4302-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 833-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва ўз фаолиятини ушбу қонун ҳужжатлари асосида олиб боради.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида саноат соҳасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини саноат фаолиятига кенг жалб қилиш Порталнинг бош мақсади ҳисобланади.

Республикада фаолият юритаётган корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини амалга ошириш натижасида ҳозирги кунда Электрон кооперация порталида (2019-2021 йилларда) республикадаги 74 585 та саноат корхонаси (қамров даражаси 98 фоиз) рўйхатдан ўтган бўлиб, жорий йилнинг 8 ойида 71 227 та корхона томонидан 5 591 турдаги 184,3 мингта маҳсулот савдога қўйилди. 2021 йилнинг 1 сентябрига қадар (2019 йилдан бошлаб) Портал орқали маҳсулотлар реализацияси бўйича 11,2 трлн. сўмлик 67 337 та ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилди ва 8,4 трлн. сўмлик шартномалар (75,4 фоиз) ижро этилган.

Порталда маҳсулотларнинг бошланғич нархини пасайтириш сўрови бўйича рақобатчилар томонидан таклиф этилган энг қулай нархларда шартномалар шакллантирилиши ҳисобига буюртмачиларнинг 1,2 трлн. сўмлик маблағлари иқтисод қилинди (лотларнинг жами бошланғич нархи – 11,6 трлн сўм).

Юқоридагилардан келиб чиқиб соҳани тартибга солувчи янги таҳрирдаги яхлит қонунни қабул қилиш ва унда қуйидагиларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, қонунда кооператив қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилиши ва фаолият юритишини мустаҳкамлаш лозим:

- кооперативга аъзоликнинг ихтиёрийлиги;

- кооперативнинг ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик фаолиятида иштирок этаётган аъзолари учун ўзаро ёрдам ва иқтисодий манфаатнинг таъминланганлиги;

- кооперативнинг фойда ва зарарини, унинг аъзолари ўртасида уларнинг шахсий меҳнати билан иштироки ёки кооперативнинг хўжалик фаолиятидаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши;

- кооперативнинг хўжалик фаолиятида, унинг аъзоси бўлмаган шахслар иштирокини чеклаш;

- кооператив аъзоларини қўшимча пай бадали ва уюшган аъзоларни пай бадали бўйича тўланадиган дивидендлар миқдорини чеклаш;

- кооператив фаолияти ошқоралик асосида бошқарилиши, ҳар бир аъзо, қўшган мулкрий ҳиссасининг миқдоридан қатъи назар, бир овозга эга бўлиши;

- кооператив фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг, унинг барча аъзолари учун очиқ бўлиши;

Иккинчидан, Қонунда фақатгина матлубот ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари ҳақидаги нормалар мавжуд бўлиб, улар қаторига қайта ишлаш, сотиш (савдо), хизмат кўрсатиш, таъминот, боғдорчилик, томорқачилик ва чорвачилик, суғурта каби кооператив турларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадга мувофиқ;

Учинчидан, Қонунда қишлоқ хўжалиги кооперативи бўйича нормаларни кенгайтириш лозим. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кооперативи сифатида кооператив аъзоларининг шахсий меҳнати билан иштирокига асосланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолиятларни бажариш бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкрий пай бадаллари кўринишидаги пул маблағлари, ер участкаси, ер ва мулкрий улушлари ва бошқа мулкларини ихтиёрий бирлаштириш ҳамда уларни кооперативнинг пай фондига киритиш йўли билан ташкил этилган кооператив тан олиниши ҳақидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ;

Тўртинчидан, Қонунда электрон кооперация порталининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, мазкур портал орқали шартномалар тузиш йўли билан кооперация алоқаларини йўлга қўйиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, кооперация муносабатлари – ўзаро боғлиқ тармоқларда фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларини демократик тамойиллар асосида бошқариш, ишлаб чиқақриш жараёнига тенг манфаатларда қатнашишни таъминлаш ҳисобланиб, ушбу ҳамкорликда аъзоларнинг мол-мулки ва уларнинг мустақиллиги сақлаб қолиниши билан муҳим аҳамиятга эга.

Шу боисдан, кооперацияга оид ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини таъминлаш ҳамда бу борада қонун ижросининг ягона амалиётини жорий этиш мақсадида соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, хусусан яхлит “Кооперация тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.



ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI  
HUQUQIY SIYOSAT  
TADQIQOT INSTITUTI  
RESEARCH INSTITUTE  
OF LEGAL POLICY  
UNDER THE MINISTRY OF JUSTICE



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE

## II BO‘LIM

### FAN VA YOSHLAR

---

### НАУКА И МОЛОДЕЖЬ

---

### SCIENCE AND YOUTH